



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Файзуллаева Ховохон Хайрулло қизи¹

¹ НамДУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5884764>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 10-Yanvar 2022
Ma'qullandi: 15- Yanvar 2022
Chop etildi: 20- Yanvar 2022

KALIT SO'ZLAR

замонавий таълим
дастурлари; ахборот-
коммуникация
технологиялари;
мультимедиа;
мультимедиа
технологияси; сенсор
эталонлар.

ANNOTATSIYA

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларга
мультимедиа воситасида таълим-тарбия беришнинг
зарурлиги, афзаллиги ва педагогик имкониятлари ҳақида
сўз юритилиган.

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Давлатимиз ва Ҳукуматимиз томонидан узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш,

мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш¹ масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги пф-5198-сонли «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.



Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мактабгача таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш² мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилди.

Ушбу устувор йўналишда мактабгача таълим соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва жорий этиш мақсадида мактабгача таълим соҳасида дастурий воситалар, ахборот маълумотлар базалари, мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятида қўллаш каби тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилди.

XXI асрда ахборот технологияларининг тезкорлик билан ривожланиши натижасида мультимедиа технологияси яратилди ва турли соҳаларда қўлланила бошланди.

Бугунги кунда ҳар бир кишининг иш фаолиятида доимий равишда мультимедиадан фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Мультимедиа воситалари замонавий ахборот-коммуникацион технологияларининг ажралмас қисми сифатида ҳаётимизнинг бир бўлагига айланди. Мультимедиа технологиялардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш таълим сифатини ҳамда таълим олувчининг

ўзаштириш самарадорлигини оширишда хизмат қилади.

Мультимедиа технологиялари макро ва микроолам жараёнларини моделлаштириш ва уларни тасаввур қилиш, ўқув-дидактик материалларни тайёрлаш имконини беради ҳамда ўқув фаолияти таркибига мазмун бағишлайди. Бугунги кунда мультимедиа тушунчасига мутахассислар томонидан кўплаб таърифлар берилмоқда.

Мультимедиа (мультимедиа – кўп муҳитлилик) воситалари бу техник ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман муҳитларни: товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда замонавий технология билан мулоқотда бўлиб бирор ахборотни инсонга одатдагидан кўра кўпроқ қилиш имконини беради³.

Мультимедиа (мульти – кўп, медиа – муҳит) – бу компьютер технологияларининг соҳаси бўлиб, турли ахборот сақловчи воситаларидаги турли физик кўринишда ифодаланган ахборотларга ишлов беради.

Мультимедиа – бу замонавий техник ва дастурий воситалардан фойдаланиб, интерфаол дастурий таъминот остида бошқариладиган видео ва аудио эффектларнинг ўзаро боғлиқлиги бўлиб, матн, товуш, графика, фото, видеони бирлаштиради. Бунда маълумот турли ахборот ташувчиларида (магнит ва оптик

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сонли «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига 1-илова.

³ Ходжаев Ў.Ў. Мультимедиа воситалари турлари ва таълим тизимида қўлланилиши. <https://multiurok.ru/blog/mul-timiedia-vositalari-turlari-va-talim-tizimida-k-ullanilishi.html>



дисклар, аудио ва видео тасмалар) мавжуд бўлиши мумкин⁴.

Мультимедиа технологияси бир вақтнинг ўзида маълумот тақдим этишнинг бир неча усулларидан фойдаланишга имкон беради: матн, графика, анимация, видеотасвир ва овоз. Мультимедиа технологиянинг энг муҳим хусусияти интерфаолик – ахборот муҳити ишлашида фойдаланувчига таъсир ўтказа олишга қодирлиги ҳисобланади.

Мультимедиа технологияларининг асосий мақсади – товуш, видео, анимация ва бошқа визуал эффектлар билан таъминланган дастурий махсулотларни яратишдан иборат бўлиб, мультимедиа технологиялари таълим жараёнини бойитади, ўқув материалига оид таълимий ахборотларни идрок этиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Мультимедиа - бу замонавий техник ва дастурий воситалардан фойдаланиб, интерактив дастурий таъминот бошқаруви остида ўзаро визуал ва аудиосамара таъсиридан иборат бўлиб, у матн, товуш, графика, фото, видеони бир рақамли тақдим этиш усулида бирлаштиради.

Мультимедиа воситалари таълим беришнинг самарали ва истиқболли қуроли (инструментлари) бўлиб, у тарбиячига анъанавий маълумотлар манбаидан кўра кенг қўламдаги маълумотлар базасини тақдим этиш;

кўргазмали ва уйғунлашган ҳолда нафақат матн, графиклар, схемалар, балки овоз, анимациялар, видео ва бошқалардан фойдаланиш;

ахборот турларини таълим олувчиларнинг қабул қилиш (идрок этиш) даражаси ва мантиқий ўрганишига мос равишда кетма-кетликда танлаб олиш;

ўқув жараёнида бир вақтни ўзида қабул қилишнинг бир нечта канални қўллаган ҳолда, ахборот интеграциясига эришиш;

тажрибалар ва мураккаб реал вазиятларни ўхшатиш учун;

- динамик жараёнлар ва мавҳум ахборотларни кўргазмали ҳолатга келтириш учун имкониятларга эга бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим ва тарбия беришда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш болаларга берилаётган материални чуқурроқ, мукамалроқ ўзлаштириш шароитини яратади, таълим олишнинг инновацион соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи ортади, оз вақт ичида кўпроқ маълумотлар билан танишиш мумкин бўлади, кўриб идрок қилиш натижасида олинган билимлар болалар хотирасида мустаҳкам сақланиб, зарур бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Маълумки, мактабгача ёшидаги болалар жуда қизиқувчан бўладилар. Кўпгина нарсаларни билишга имкониятлари етмаса ҳам, атрофларидаги турли нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти пайдо бўлиши ҳамда сабабий боғланишларига қизиқадилар. Улар ҳамма нарсанинг сиридан хабардор бўлгилари келади. Бу

⁴

https://infourok.ru/multimedia_tizimlari_va_tehnologiyalarining_asosiy_tushunchalari_mavzusida_maruza-437053.htm.



уларнинг билиш жараёни билан боғлиқ бўлган интеллектуал қизиқишларидир⁵. Болалар тафаккурини ривожлантиришда турли машғулотларнинг роли ғоят каттадир. Масалан, катта гуруҳ болалари билан ўтказиладиган элементар математика, нутқ ўстириш машғулотлари уларда тафаккурнинг таққослаш, анализ ва синтез қилиш хусусиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Лекин шуни унутмаслик керакки, болалар ана шундай таълимий машғулотларда нарса ва ҳодисаларни шунчаки пассив ўзлаштириб, фақат уларнинг номларини эсда олиб қолиш билан чеклансалар, тафаккур қилиш қобилияти яхши ривожланмайди. Аксинча, машғулотларда мультимедиа воситасидан фойдаланиш, мавзуга доир материалларни тасвирлар орқали намойиш қилиш болаларда тафаккурнинг ривожланишига ҳамда билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга ёрдам беради.

Чунки мактабгача ёшдаги болалар энг аввало кўргазмали ифодаланган ёки уларнинг фаолиятларига жалб этилган предметлар, ҳодисалар, сифатлар, хусусиятлар, муносабатларнинг номланишини осон ўзлаштиради. Буни бола тафаккурининг кўргазмали-ҳаракат ва кўргазмали-образли характерда эканлиги билан тушунтириш мумкин. Шу туфайли ҳам, мактабгача ёшдаги болалар луғатида абстракт (мавхум) тушунчалар деярли учрамайди.

Бу жараёнда мультимедиа воситасида

болаларда бевосита билишнинг шакллари билан бўлган сенсор эталонларни ва кўргазмали-фазовий моделлаштиришни уddалай олиш каби хусусиятлар юзага кела бошлайди.

Сенсор эталонлар ва фазовий моделлар билан ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган таълим билиш қобилиятларининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишда мультимедиа технологиялари муҳим аҳамият касб этади.

⁵ Нишанова З., Алимова Г. Болалар психологияси ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006 й. – 67 –б.



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги пф-5198-сонли «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сонли «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига 1-илова.
3. Ходжаев Ў.Ў. Мультимедиа воситалари турлари ва таълим тизимида қўлланилиши. <https://multiurok.ru/blog/mul-timedia-vositalari-turlari-va-talim-tizimida-k-ullanilishi.html>
4. https://infourok.ru/multimedia_tizimlari_va_tehnologiyalarining_asosiy_tushunchalari_mavzusida_maruza-437053.htm.
5. Нишанова З., Алимова Г. Болалар психологияси ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006 й. – 67 –б.